*Тадбиркорлик*

# ИХЧАМ ВА ҚУЛАЙ ДАСТГОҲЛАР

Бугунги кунда «ПГС» хусусий корхонасида тайёрланаётган нон маҳсулотлари тайёрловчи дастгоҳлар бутун республикамиз бўйлаб қанот ёзди. Биз даставвал шу корхона дастгоҳидан фойдаланаётган В. Воҳидов номли жарроҳлик илмий марказининг бош ошпази Баҳромжон Нурматов билан суҳбатлашдик.

— «Полянте» ихчамгина ишланганлиги билан ажралиб туради. Унинг ёрдамида бир соат ичида катта миқдорда пирожки, сомса ва буғда пиширилган тефтелларни тайёрлаймиз. Бу дастгоҳ тез қизиши, энергиядан тежамли фойдаланиши (бир соатда 6 киловатт) билан ҳам жуда қулайдир. Шунингдек унча кўп жой ҳам эгалламайди.

— Мен турли шаклларда, мазали ва шифобахш нон тайёрлашни ёқтираман, — деб суҳбатимизга қўшилди «Абдуллоҳ Тожибой ўғли» фирмасининг раҳбари Абдуллоҳ Тожибой ўғли. — Яқинда таркибида шифоли моддалар қўшилган «Муаттар» деб аталувчи нонни яратиб, уни «Полянте» кичик нон дастгоҳида пишириб кўрдик. Янги дастгоҳда пиширган нонларимиз аъло даражада чиқди.

Кичик нон дастгоҳи «Полянте» қурилмаси жиҳатидан ихчам. Немис фирмаси томонидан яратилган худди шундай дастгоҳга солиштирадиган бўлсак, 3 баравар кичкина, 5—7 баравар арзон, ишлаш вақти унумли, энергия қуввати сарфи тежамли.

Навбатдаги суҳбатдошимиз хусусий корхона раҳбари Полянте Свешников.

— Бундан олти йил муқаддам мен ва дўстларимни бир нарса, яъни сифатли нон маҳсулотларини тайёрласа бўладиган дастгоҳлар ишлаб чиқариш масаласи ўйлантирарди. Чунки йирик нон заводларида тайёрланган нон маҳсулотлари шаҳар бўйлаб тарқатилгунча анча уриниб қоларди. Ёки бўлмаса кўп миқдорда қилинган хамирдан хом-хатала нонлар пиширилиб, дўконларга жўнатиларди. Натижада тарқатувчининг вақти, ёнилғи ва электр қуввати беҳудага сарф бўлиб бораверарди. Мени мана шу хўжасизликка барҳам бериш истаги чуқурроқ изланишга ундади. Корхона дастлаб ташкил этилганда пол учун паркет ишлаб чиқарар эдик. Бора-бора қалбимдаги орзу-истакларим рўёбга чиқиб, ўзим истагандек кичик нон дастгоҳлари ишлаб чиқаришга киришдим. Бу ишда дўстларим Олег Кобушкин ва Александр Кириллов яқиндан ёрдам беришди.

Ҳозирги вақтга келиб бу дастгоҳлар тури 25 хилга етди. Улар ичида энг харидоргири «Полянте»дир. Бу кичик дастгоҳнинг яратилиши учун икки ой узлуксиз, бутун смена давомида изланиш олиб бордик. Янги регуляторни ихтиро қилиб таклиф этган бир танишимнинг кўмагида «Полянте» дунёга келди. У тўрт хилдан иборат. Куну тун ишлаш қувватига эга.

**— Полянте Грамитонович, мана шу ишлаб чиқарилаётган кичик нон дастгоҳи ҳозирги кунда Германия, Туркия, Россия ва Украина фирмалари ўртасида жуда машҳур бўлиб боряпти. Бунинг сири нимада?**

— Гапнинг очиғини айтадиган бўлсам, биз энг аввало буюртмачилар талабига эътиборни қаратамиз. Уларнинг кўпчилиги ўрта ҳажмли кичик нон дастгоҳига буюртма беришади. Бу ўрта ҳажмли «Полянте» бир соатда 80 буханка нон пишириш қувватига эга. Шу вақт ичида атиги 8 киловатт-соат электр энергия сарфланади. Оғирлиги 90 килограмм. Худди шундай немис фирмасида тайёрланган дастгоҳ соатига — 100 киловатт-соат энергия сарфлайди.

**— Сўзларингиздан кўриниб турибдики, мазали нон тайёрлашга иштиёқингиз баланд экан. Бу услубда иш юритишга нима кўпроқ сабаб бўлган?**

— Мен кўпроқ халқ табобати илми билан ҳам қизиқаман. Айниқса, Абу Али ибн Синонинг ўгитлари мен учун дастур саналади. Унинг нон ҳақидаги доно маслаҳатлари ишлаб чиқаришга катта таъсир кўрсатган десам муболаға бўлмайди. Чунки сифатли пишган нон ёрдамида бир қанча касалларга шифо топилган.

Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтмоқчиман. Ўтган йили икки кун Хумсондаги «Кристалл» оромгоҳида бўлдим. Бу ернинг гўзаллиги, баҳаволиги, озодалиги билан кичик Швейцария деб аташар экан. Ҳамма нарсаси маъқул келди. Аммо ошхонада таом еб ўтирганимизда олдимизга қўйилган нон талабга жавоб бермасди. Печнинг эскилиги туфайли нон яхши пишмаган эди. Мана шундай оромгоҳларда дастурхонга тортиладиган нон мазали ва кўримли бўлса унинг гўзаллигига хос дам олувчиларга янада қулайлик яратилган бўлар эди. Мана шундан кейин Ўзбекистоннинг ҳар бурчагида, иложи бўлса ҳар бир хонадонида кичик нон дастгоҳлари бўлишини истаган ҳолда «Полянте»нинг ҳар хил ҳажмдагисини ишлаб чиқаришга бел боғладик.

**— Келгуси режаларингиз қандай?**

— Режаларимиз катта. Энг сўнгги моделдаги кичик ҳажмли дастгоҳларни, талабга яраша кўпайтириш. Шунингдек сауналар учун электр дастгоҳлари тайёрлашни жадаллаштиришдан иборатдир. Бу электр дастгоҳи ҳам шифобахш бўлиб, у грипп, остеохондроз, бел оғриғи, гепатит ва бошқа касаллар билан оғриган беморларга яқиндан ёрдам беради. Мана шу сингари чет эл маҳсулотларига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун изланишларда давом этаверамиз.

«ПГС» корхонаси йил давомида 355 миллион сўм миқдорида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Кичик корхонанинг ишлаб чиқариш тизими кенгайиб, қуввати ортиб бормоқда.

*Суҳбатдош Гулзода МАМБЕТОВА.*

*СУРАТЛАРДА: «ПГС» хусусий фирмаси маълумотларини йиғиш оператори Лариса Свешникова; назорат бўлими ишчилари Алексей Богомазов ва Александр Кириловлар кичик нон дастгоҳини кўздан кечиришмоқда; «Полянте» кичик дастгоҳининг кўриниши.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*







*Маҳалла*

# ИСТИҚЛОЛ НАШИДАСИ

***Маҳалла гузари эрталабданоқ гавжум бўлиб кетди. Ям-яшил боғчанинг ёнбошидаги тўйхона байрамдагидек безатилган.***

***— Бугунги йиғилишимиз Мустақиллигимизнинг етти йиллигига бағишланади, — деди фахрий оқсоқол Эгамназар ҳожи Қодиров, — қилинган ишларга бирров назар соламиз, тадбирлар белгилаймиз...***

Маҳалла фаоллари, иззатли отахону онахонлар жам бўлгач оқсоқол Эркин Тўраев сўз бошлади:

— Маҳалламиз «Ўзбекистон Мустақиллиги» деб номлангани учун ҳам туманда биринчилар қаторида Мустақиллигимизнинг етти йиллигига бағишлаб бугунги анжуманни ўтказмоқдамиз. Мустақиллик — олий неъмат деймиз. Бу ерда йиғилганлар 4100 хонадонда истиқомат қилаётган 1500 аҳолининг вакилларидир.

Шундан сўнг оқсоқол қилинган ишлар сарҳисобини уларга айтиб ўтиб, ижтимоий масалаларга тўхталди.

— Ҳаммамизга маълум, ойда бир марта кам таъминланган 30 дан ортиқ оилаларга моддий ёрдам кўрсатяпмиз. 300 га яқин оилага ҳар ойда нафақа берилади. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, Наврўз байрамида баҳоли қудрат барчанинг дилини хушнуд этишга маҳалла қўмитаси ҳаракат қилади.

Фаоллар маъқуллаб, бош ирғашади, «қўмитага раҳмат» деб қўйишади.

— Яқинда ўтказилган Наврўз байрамида бошим осмонга етди, — деди меҳнат фахрийси, «Нуроний» жамғармаси маҳалла бўлими раиси Антонина Вознюк, — ўн беш миллат яшасак ҳам бир оила эканлигимиз, бутун эришаётган ютуқларимизнинг асоси шунда эканлигига яна бир карра амин бўлдим.

— Гузарда новвойхонанинг ишга тушгани яхши бўлди, — деди маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси Муҳтабар ая Муҳамедова, — аввало барчамиз иссиқ нондан тановул қиляпмиз. Кейин исрофгарчилик ҳам бўлмайди. Зарур пайтда келиб олинаверади. Энди уй бекаси бўлган аёлларимизнинг уйда ишлаш муаммосини ҳам ҳал қилсак яхши бўларди.

Чиндан ҳам «Қаловини топса қор ҳам ёнар экан». Маҳалла қўмитаси баҳамжиҳатликда аввало озодагарчилик, ҳудудни тоза сақлаш, ободонлаштириш масаласида жонбозлик қилишди. Ҳозир кўп қаватли уйлар орасида уюлиб ётадиган чиқиндиларни кўрмайсиз. Ҳар йиғилишда таъкидланишига ҳам ҳожат қолмади.

— Маҳалла — ўз уйимиз. Унинг кўчалари, уйлари ҳақрағасини кўзгу дегим келади. — Қўмита котиби Шамсиддин Шобаратов суҳбатга аралашди, — келган меҳмонлар уни кўриб дидимизга, ҳафсаламизга баҳо беради-да.

Тўйхона маҳалла аҳлига тўлиб кетди. Режалар кўпчиликка маъқул бўлди. Ундан ўрин олган авлодлар учрашуви, гул байрами, мустақиллик мушоираси, санъаткорлар билан, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, маҳалладаги энг яхши уй, энг яхши хонадон, энг яхши уй бекаси сингари танловларни кўнгилдагидек ўтказишга келишиб ҳам олинди.

«Бир пиёла чой устида» деб номланган ушбу гурунг сўнгида Абдурашид Азимов бошчилигидаги маҳалла мақомчилар дастаси, Тошкент Давлат маданият институти талабалари ўз қўшиқлари билан даврага файз киритдилар.

— Бу гурунг биринчиси, — деди «Маҳалла» хайрия жамғармаси Юнусобод тумани бўлими раиси Мирислон Миржалолов. — Шундай гурунглар барча маҳаллаларда анъанага айланишига, одамларга маърифат, маънавият улашишига, муаммоларнинг ҳал этилишига эришаяпмиз.

*Озодбек ТЕМУРОВ.*

*Гўшаларда*

# «БОҒИ ЭРАМ» ЧОРЛАЙДИ

***Мирзо Улуғбек туманидаги «Боғи Эрам» оромгоҳида ҳам меҳнаткашларнинг маданий дам олишлари учун барча имкониятлар яратилган.***

Оромгоҳда ўтказилган оммавий дам олиш кечаларида, республикамизнинг маданият ва санъат махсус билим юртларининг ўқитувчи ва талабаларининг чиқишлари, А. Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрининг хонандаси Мақсад Юнусова иштирокидаги бадиий жамоа, таниқли хонанда Козимжон Жабборовнинг ўзбек мумтоз қўшиқларидан тузилган концерт дастури, Республика «Бодом гули» бадиий ҳаваскорларнинг кўрик-танловининг совриндори, ёш эстрада қўшиқчиси Дониёр Жабборов бошчилигидаги «Диёр» вокал-чолғу ансамблининг замонавий қўшиқлари ҳамда «Юлдуз» маданият уйининг бадиий жамоаларининг концерт дастурлари боғ меҳмонларини хушнуд этяпти.

Оромгоҳдаги замонавий аттракционлар ва ўйин автоматлар, шахматчилар клуби, болалар ўйингоҳи ва бошқа кўплаб маданий дилочар тадбирлар дам олувчилар хизматида бўлади.

— Бу йилги мавсумда оилага бағишланган туркум маданий-маърифий тадбирлар ўтказишни ҳам режалаштирганмиз, — дейди оромгоҳ раҳбари Содиқжон ҳожи Собиров. — «Ёшлар тарбиясида оиланинг тутган ўрни» мавзусидаги маданий-маърифий тадбирга туман «Камолот» ёшлар жамғармаси ҳамкорлик қилади.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими, энг яхши маҳаллалар билан ҳамкорликда намунали оилалар иштирокида оилавий байрам уюштиради. Шунингдек, «Нуроний», «Наврўз» жамғармалари туман бўлимлари ҳам мулоқот кечаси ташкил этишни мўлжаллаяптилар.

*Рустам ХЎЖАЕВ.*

*Покизалик*

# ФАРРОШЛАРГА КЎЗ ТИКИБ

Хадра бекатидан 91-йўналиш бўйлаб қатновчи автобусга чиқдик. Олдимизда башанг кийинган ўрта ёшлардаги икки аёл турарди. Улар бир-бирларига сўз бермай, ниманидир баҳслашишар, писта чақиб, пўчоғини шундоққина машина салонига улоқтиришарди. Дастлаб улар суҳбатга берилиб, хаёл билан шундай қилишаётган бўлса керак, деб ўйладик. Бора-бора фикримиз ўзгарди. Қараоак, улар ҳали-бери писта чақиш «мусобақаси»ни тугатишмайдигандек. Оёқости эса тобора пўчоққа тўлиб боряпти. Қимтиниб бўлса-да, уларни қилмишларидан огоҳ этдик. Шунда аёллар бараварига бизга чимирилишди.

— Ўзингизни билсангиз-чи, ўзга билан нима ишингиз бор сизни, — деди улардан бири заҳрини сочиб.

— Ахир бу жамоат транспорти бўлса, ундан кейин...

— Менга қаранг, жамоат транспорти бўлса нима қилибди. Уни ювиб, супуриб-сидирадиган одамлари бор. Шу меҳнатлари учун улар давлатдан пул олишади, — деди иккинчиси бобиллаб.

Тўғри гап айтиб балога қолдик. Яхши ҳамки, йўловчилар орасида ҳимоячиларимиз топилиб қолди. Бўлмаса, аёлларга бас келиш қийин эди. Хайрият, кейинги бекатда улар автобусдан тушиб кетишди.

Ушбу воқеа боис яқинда бир дўстимиз айтиб берган можарони эсладик.

— Жанжалнинг боши йўлакни озода тутишдан бошланди, — деб ҳикоя қила бошлади у. — Биласан, беш қаватли уйда турамиз. Рўпарамизда эр-хотиндан иборат бир оила яшайди. Ҳар куни эрталаб хотиним йўлакни сув сепиб супурса, қўшни хонадон эгаларидан гоҳ эри, гоҳ хотини чиқиб, «чангитманг» деб тўполон кўтаришарди. Хотиним хуноб бўлиб: «Ўзлари супурмагандан кейин ҳеч бўлмаса раҳмат дейиш ўрнига тўнғиллашмаса нима қиларди», — дейди.

Яқинда Ибохон (ўша қўшни хотин) аёлимга: «Менга қаранг, ўзингизни жудаям маданиятли қилиб кўрсатаверманг, йўлакни супурадиган ўз фарроши бор. Сиздақаларнинг жатига ўша фаррош ўлгур ҳам анчадан бери қорасини кўрсатмай қўйди. Давлатдан бекорга пул олиб ётибди», — деб танбеҳ берибди ўзича.

Биз юқорида тилга олган воқеа иштирокчилари айнан аёллар бўлгани учун ҳам эшитган қулоққа ғалати туюлади. Ахир улар покизалик тимсоли эмасми? Биз уларга бир нарсани эслатиб қўйишни жоиз топдик. Ахир наҳотки, каталакдек йўлакни супуриш учун фарош хизматига кўз тикиб ўтирилса. Ҳар куни тонг саҳарлаб туриб, эшик тагини, кўча ва ҳовлиларни супуриб-сидириш, сув сепиб, салқинлатиб қўйишдек азалий одатимиз қаёққа йўқолиб боряпти? Нега бунчалик лоқайд бўлмасак?

Бироз кенгроқ мушоҳада юритиш учун бир нечта рақамларни келтирсак, фойдадан ҳоли бўлмас, албатта. Ҳисоб-китобларга кўра, шаҳримизда бир кунда 4200 тонна чиқинди чиқарилади. Уни ташқарига олиб чиқиб ташлаш учун 900 та машина керак бўлади.

Шаҳарда 5 минг ўрнига 1200 та фаррош фаолият кўрсатмоқда. Демак шундай шароитда торгина йўлакни супуриб тозалаш учун кеча-кундуз фаррош кутиб ўтиришимиз инсофданми?

Олдинлари ота-боболаримиз ҳовлидан кўчага ахлат чиқариб ташлашни гуноҳи азим ҳисоблашган. Ўшанда ҳар бир хонадоннинг ўз ўрачаси бўларди. Қиш бўйи тўпланган чиқиндилар ўша жойга ташланарди. Ҳар баҳорда ўрачалар тозаланиб, ундаги чиқиндилардан ўғит сифатида фойдаланиларди. Сувга ахлат ташлаш-ку бутундай гуноҳ саналарди. Ҳозир-чи?

Кези келганда ўринли бир мисол келтирмоқчимиз. Бир вақтлар Юнусободнинг Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли маҳалласини кесиб ўтадиган ариқдан зилол сув оқарди. Ундан нафақат бир нечта хўжаликлар, балки аҳоли ҳам экин-тикинларини суғорибгина қолмай, истеъмол ҳам қилишарди. Ҳозир ўша ариқнинг ҳолига вой. Тўғри, унинг маҳалла ҳудудида жойлашган қисми ҳар йили ҳашар йўли билан тозаланиб, тартибга келтирилади. Лекин нариги томони (даҳанинг 2-мавзеси атрофлари) ахлатларга тўлиб-тошиб ётибди. Очиғи, ўша жойдаги кўп қаватли уйларда турувчиларнинг баъзилари ариқдан ахлатхона сифатида фойдаланишмоқда. Андишасизлик шу даражага бориб етганки, ерли аҳоли ушбу ариқни тозалаш учун ҳар куни ташкилотларга югургани-югурган. Ахир шундан кўра икки соат ҳашар уюштирилса-ку олам гулистон бўлади-қолади. Ариқ ҳам тозаланади. Ҳашарда қатнашганлар эса кейинчалик унга ўйлашиб ахлат ташлашади. Меҳнати синггандан кейин қолганларни ҳам тартибга чақиришади. Қани энди айтинг-чи, қай бири қулай, қай бири осон? Ўтмишга бир назар ташласак, не-не буюк ишлар ҳашар йўли билан амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Ана шу ҳашар туфайли кўчалар, йўлкалар, каналлар, катта-катта иншоотлар қурилиб, бунёд этилган-ки, кўпчилигимиз бу воқеаларнинг айнан шоҳиди бўлганмиз. Ҳозирда ҳам умумҳашари билан обод ва кўркам бўлиб бораётган маҳаллалар кам эмас. Бундайлар жумласига Ҳувайдо, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев, Мингўрик, Матонат, Усмон Юсупов, Яккасарой (бу рўйхатни давом эттириш мумкин) маҳаллаларини киритса бўлади. Уларнинг оқсоқоллари ўзлари ибрат бўлиб, аҳолини яхши ишларга чорлашмоқда.

Инсон ҳеч қачон орзусиз яшамаган. Шундан бўлса керак, тараққий этган чет мамлакатларга бориб келган биродарларимиз бизга ўша жойдаги тартиб-интизом, озодагарчилик ҳақида ҳикоя қилишса, уларнинг сўзларини мароқ билан берилиб тинглаймиз. Уларга ҳавас қила туриб, беихтиёр: «Қани энди бизда ҳам шундай тартиб жорий этилса, озодагарчилик намунали йўлга қўйилса» деган хаёлга келамиз. Ўйлаб қарасанг, бу ниятга етиш унчалик ҳам қийин эмасдек туюлади. Аслида ҳам шундай. Бунинг учун ҳар биримиз ўз шаҳримизнинг чинакам жонкуяри бўлсак, унинг обод ва кўркам бўлиши йўлида фидойилик қилсак олам гулистон. Сирасини айтганда, мустақил давлатимиз пойтахтида истиқомат қилаётган ҳақиқий тошкентлик гўзал шаҳри жамоли янада чиройли, кўча ва боғлари, гулзор ва кўкаламзор маҳаллалари, саранжом-саришта халқимиз табиатига мос равишда покиза бўлиши учун шахсан масъул эканлигини ҳис этиши керак. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу йўлда дастлабки қадамлар ташланди. Шу йилнинг бошида Тошкент шаҳридаги озодалик ва санитария тозалигининг аҳволи ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони, «Пойтахтимиз обод ва озода бўлсин» ташаббуси билан шаҳар фаолларининг барча тошкентликларга мурожаати, Наврўз байрамига бағишланган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигининг ўтказилиши юқоридаги фикримизнинг яна бир далилидир.

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

*Луқма*

# ЧОРРАҲАДАГИ «ТУЗОҚЛАР»

Сергели тумани машина бозори қаршисидаги, тўхтаб туриш жойидан катта йўлга чиқаверишда чап қўлда, дарахт орқасига «Киришни тақиқловчи» йўл белгиси қўйилган. Шунга кўра қўшимча катта йўлга, ўнгга бурилишдан беш метрча нарида турган бетон устунга «Фақат тўғрига» буюрувчи йўл белгиси осиб қўйилган. Давлат стандарти бўйича «Фақат тўғрига» йўл белгиси ўнгга бурилишдан олдин катта йўл четига кўринарли қилиб ўрнатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳайдовчиларни чалғитаётган бу кўзга кўринмас «Кириш тақиқловчи» йўл белгиси айрим ДАН ходимларига қўл келаяпти. Бир зумда 4-5 та машина ҳайдовчилари кетма-кет ўнгга бурилишиб, «тўхтаб туриш» жойида «тузоққа илиниб» жарима тўлашаяпти. Ҳайдовчилар ДАН ходимларига худони зорини қилиб, мен «Фақат тўғрига» йўл белгисидан олдин ўнгга бурилдим десалар, «Бу ёққа келинг, мана бу ерга қўйилган «Киришни тақиқловчи» йўл белгисини нега кўрмадингиз», деган жавобни эшитадилар. Қизиқ, ДАН ходимлари бетон устунга осиб қўйилган «Фақат тўғрига» йўл белгисини ўнгга бурилишдан олдин қўйилиши ҳақида нега тегишли раҳбарларга маълумот беришмайди?

Худди шунингдек, Халқлар дўстлиги шоҳкўчасидан «Ўзбекистон» метросидаги чорраҳага келиб, чап томонга бурилишда йўлчироқнинг «чапга» йўналишни кўрсатувчи кўк белги ёниб туриш вақти бошқа чорраҳаларга қараганда жуда оз вақтга ёниб-ўчади. Бу вақтда тахминан ўртача олганида 5-6 та машина ўтиши мумкин.

Бу чорраҳада ҳам ДАН ходимлари «зерикишмайди». Шу йўлчироқнинг «чапга» бурилишга жуда оз вақт ёниб-ўчишидан фойдаланиб, охирги ўтган машинани тўхтатиб жарима ундиришади. Ҳайдовчилар ДАН ходимларидан шу ердаги йўлчироқнинг чироғини 10-12 та машина бурилиб кетиш имконига эга қилиб созлашнинг иложи йўқми деб, савол берсалар, «Боринг кетаверинг, биз ўзимизнинг ишимизни ўзимиз биламиз», деган жавобни эшитишади.

Юқоридаги каби ҳоллар ҳайдовчиларга қўйилган «тузоқ» эмасми?

*Раҳим СУЛТОНОВ, журналист.*

